**ШАРТНОМА №52271**

**2022 йил «7» ноябрь** **Фарғона шаҳар**

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **РИО ва РИАТМ Фарғона вилоят филиали** номидан раҳбар **Б.К.Примкулов** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи “**PREMIUM TEXNOSTROY” МЧЖ** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар **И. Нумонов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун тузилдилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан ***РИО ва РИАТМ Фарғона вилоят филиали қоровулхонаси ва омборхонаси биносини жорий таъмирлаш*** ишларини лойиха-смета хужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ўрнатиш ишлари қиймати хужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами **ҚҚС билан 223 624 274.00** ***(Икки юз йигирма уч миллион олти юз йигирма тўрт минг икки юз етмиш тўрт)*** сўмни ташкил этади. **ҚҚС суммаси 29 168 384** сўмни ташкил этади. Шартнома умумий суммасининг **223 624 274.00** ***(Икки юз йигирма уч миллион олти юз йигирма тўрт минг икки юз етмиш тўрт)*** сўми 100021860304017073201054005 ШХВ дан молиялаштирилади.

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қўшимча битм расмийлаштирилиши мумкин.

## 3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан жорий таъмирлаш ишлари тўлик бажарилгандан сўнг, ўзаро ишларни топшириш далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» 3 кун ичида пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини **30%** миқдорида аванс тўловини «Пудратчи» хисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги хисоб-китоблар хақиқатда бажарилган ишлар хажмига қараб, аванс маблағларини хисобга олган холда амалга оширилади.

## 4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан жорий таъмирлаш ишлари бошланиши шарт.

Бажарилиши лозим булган ишлар **2022 йил «7» декабрь** кунига қадар тўлиқ якунланиши керак.

4.2. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ булишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилган холда амалга оширади.

## 5. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни хужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл 2-3 далолатномаларини 3 кун ичида қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва **5** кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан **5** кун давомида бартараф этилади.

## 6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ўрнатиш белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар қийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматини 50% дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан ўрнатиш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган суммани 0.4% миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблағлар суммасини 50% дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошка енгиб бўлмас куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8. КУШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хужалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

Ушбу шартнома 2022 йил «7» ноябрь дан 2022 йил «_31_» _декабр__гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)да рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## 9. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Буюртмачи»**
**РИО ва РИАТМ Фарғона вилоят филиали**

Манзил: Фарғона ш.Гулистон 11 уй
Тел./факс 245-00-12
ШХВ: **100021860304017073201054005**
Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 203148954
ОКОНХ
Ғазначилик номи: Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси
Ғазначилик х/р: 23402000300100001010
Банк номи, Марказий банк ХККМ Тошкент ш
МФО: 00014
Ғазначилик СТИР: 201122919

Рахбар __________ Б.К.Примкулов

**Юрист**__________ Я.Эргашев

**«Пудратчи»**
**“PREMIUM TEXNOSTROY” МЧЖ**

Манзил: Фарғона вилояти Фарғона тумани Гулшан МФЙ Қалқон кўчаси 67 уй

Х/р: 20208000405106557001

"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Фарғона филиал

ИНН: 306613086 МФО: 01173

Рахбар __________ И.И.Нуьмонов

**Юрист**__________

**169834 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

| | |
|---|---|
| Муҳокама тугаган сана: | 07.11.2022 11:41 |
| Комиссия раиси: | YUNUSOV ZUXRIDDIN TUYCHIBOYEVICH |